

МУЗЕЙЛАР УЧУН ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР.

Namangan viloyati tarixi va madaniyati davlat muzeyi

ilmiy xodimi: **Турғунпўлатова Роҳила**

Аннотация

Мазкур ишда музейларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, уларнинг маданий ва маънавий меросни сақлаш, ўрганиш ҳамда тарғиб қилишдаги аҳамияти атрофлича ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистонда музейлар тизимининг шаклланиши, мустақиллик йилларида музейлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар ва давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинган. Ишда музей экспозицияларида намоён бўлган миллий ҳунармандчилик намуналари, жумладан кулолчилик, мисгарлик, заргарлик, гиламдўзлик, кўнчилик каби анъанавий касб-ҳунар турлари ҳамда уларнинг тарихий аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

Бундан ташқари, музейларнинг илмий-тадқиқот, маърифий ва тарбиявий фаолияти, ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашдаги ўрни, шунингдек маданий туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти ҳам ёритиб берилган. Музейлар фондини бойитиш, экспонатларни сақлаш ва реставрация қилиш, уларни замонавий усуллар асосида намойиш этиш масалалари ҳам тадқиқ этилган. Тадқиқот натижалари музейлар миллий маданий меросни асраб-авайлаш, халқимизнинг бой тарихини келажак авлодларга етказиш ва жамият маънавий тараққиётини таъминлашда муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

Мустақиллигимизни дастлабки кунларидан бошлаб давлатимиз томонидан юртимиз тарихига атрофлича баҳо берилиб, дунё тамаддунига ўзларининг ниҳоятда беқиёс ҳиссаларини қўшган буюк аجدодларимизнинг номларини тиклаш, уларнинг хонақоларини ва бақбараларини, қабрларини обод этиш, тарихий хотира объектларини асраб-авайлаш масалаларига алоҳида эътиборни қаратилди. Жумладан қадимий отахон музейлар фаолиятини ривожлантириш билан бирга,

янгидан-янги турли музейлар ташкил топди. Жумладан Ўзбекистан тарихи Давлат музейи, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотира музейи, Термиз Археология, Олимпия, Шон-шухрат музейи, Фарғона музейи ва шу жумладан 1920- йилда асос солинган Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, шунингдек Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги осмон остидаги музейларимиз асрлар тарихига эга мавқелари бор. 19-аср охирига келиб, Фарғона водийсида илк “ Фарғона оммабоп музей” ташкил этилган эди. Унинг ҳазинасида 2223 та турли уй-рўзғор буюмлари ва турли мавзулардаги китоблар мавжуд бўлган. Кейинчалик шахсий хайриялар, фуқоролар томонидан кўнгилли топширган асори – атиқалар билан музей ҳазинаси бойиб борди. 1938-йилга келиб бу музейга “ Вилоят ўлкашунослик музейи” мақоми берилди. Музей экспозициясидан этнография, археология, мустақиллик йилларида Ўзбекистон каби мавзуларни ёритиб берувчи кўرғазмалар жой олган. Музейда шунингдек ёғоч, сопол, мато, заргарлик, қурол-аслаҳа, нумизматикага оид экспонатларни ҳам кўриш мумкин. Барчамизга маълумки “18- май-халқаро Музейлар куни” деб эълон қилингандан буён дунё миқёсида бу сана нишонланиб келади. Кўплаб музейларнинг юбилейлари ҳам шулар қаторидан ўрин олган. Ва шу сана таъсирида янгидан-янги фармонлар, қарорлар, музейлар ишини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тасис этилиб келинмоқда.

Хукуматимиз томонидан жорий этилган ПФ-3393-сонли Қарорнинг 5-бандида Ўз.ССП, “ Хунарманд” уюшмаси хунармандчилик маҳсулотларини шаҳар ва узоқдаги туманлардан сотиб олиш, шунингдек келгусида йирик ҳисобланган кўп шаҳарларда хунармандчиликларимиз маҳсулотларини сотиш ҳамда экспорт қилиш учун “Хунарманд” уюшмаси ҳузурида савдо-харид корхоналари ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Уюшма таъсисчилигида “Срафтанд арт” МЧЖ ташкил этилган ва ушбу турли корхона келгусида Республикаимизнинг туристик объектлари, кўплаб диққатга сазовор жойлари, ҳудудлардаги хунармандчилик марказларида ҳамда бир қатор замонавий ва маҳаллий бозорларда сотувни йўлга қўйилганлиги тахсинга лойиқдир. Шунингдек бир қатор ташкилот ва вазирликлар билан ҳамкорликда “ Хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўрғазма, танлов,

ярмаркаларда намоиш этиш учун ҳунармандчилик маҳсулотларини олиб чиқишнинг соддалаштирилган яъни ҳунармандларга қулай имконлар берувчи “ Низом”ни ишлаб чиқилиши экспорт масалаларини муаммоларига ечим бўлди.Эндиликда хорижга ўзларининг ҳунармандчилик маҳсулотларини олиб чиқмоқчи бўлганлар “Ҳунарманд”уюшмаси билан ҳамкорликла иш олиб боришади. Уюшманинг республикамиз ҳудудларида 13 та вилоят бошқармаси ва 92 та бўлимлари мавжуд.

Буюмларга ўймакорликдан ташқари шабака усулида панжарасимонбезак яратиш ҳам қўлланилганлиги асори – атиқаларимиз наъмуналарида кўрамиз. Бундан ташқари энг нозик ҳунармандчиликлардан бири ҳисобланади.

Заргарлик. Заргарларнинг хом ашёлари бу олтин, кумуш, мис ва турли гавҳар, феруза, дур, ҳақиқ каби безак тошларидир. Заргарлар томонидан баргак, бибишак, билакузук, бозубанд, бозгардон, балдоқ, булоқи, сирға, бўйинтумор, гажак, дуотузи, жевак, жиға, заркокил, зебигардон, зулф, исирға, кокил, ойбалдоқосматузи санчоқ, тавқ, тилла баргак, тилла тузи, тиллақош, турунж, узук, шокила, қашқар балдоқ,ҳалқа каби қадимий тақинчоқлар ясалган.

Музейларнинг экспозитцияларидан ўрин олган яна бирҳунармандчилик экспонатларидан бири бу гилам турларидир. Ўзбекистонда қадимий ҳисобланган гиламдўзлик ҳунармандчиликнинг қадимий турларидан ҳисобланиб, гиламчилик ярим кўчманчи тарзда ҳаёт кечирувчи жун маҳсулотларига бой маҳаллий аҳоли шуғулланиб келган.Ундан ташқари табиий иқлим гиламчилик билан шуғулланувчи қабилаларга йиллар давомида ўз жозибасини йўқотмайдиган мустаҳкам олий навли бўлган турли хил жун етиштиришларида катта имконлар берган. Уй жихозлари ва кундалик ҳаётда ишлатиладиган майда буюмларга ҳам гилам нусхали жун тўқималардан ишлатилган. Гилам тўқиш билан дастлаб фақат аёллар шуғулланишган. Ўрта Осиёда ҳеч қачон эркаклар гилам тўқимаганлар. Жунни йигириш, калавалаш,бўяш ва тўқиш аёллар томонидан бажарилган эди. Гиламлар билан бирга кўргазмалардан Эрон, Арманистон, Дербент, Кавказ, араб, қирғиз, козоқ, ўзбек гиламлари, полослари, жойномозлар, ўчоқ бошилари, хуржунлар,

тўрвалар, ўтов безаклари ҳам экспонатларимиз қаторидан ўрин олган. 19-асргача тўқилган гиламдўзлик буюмлари шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланилган. Айрим холларда юқори сифатли жундан ва ипакдан таёрланган ноёб гиламлар, патли колинлар подшоҳлар, хонлар, амирлар ва ҳукумдорларга совға қилинган. 19-асрнинг иккинчи ярмига келиб гиламдўзлик буюмлари аста Европа ва Осиё бозорларида пайдо бўла бошлайди. Ўзбекистоннинг ҳудудида 20-асрнинг охирларидан мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бошқа ҳунарлар қаторида раванк топди. Музейлар ҳазиналарида каштали палаклар, сўзаналар, паранжи безаклари кабилан доимий намоишда. Тарихий маълумотларга ёндошадиган бўлсак мато турларининг кўплаб хиллари наъмуналари, усуллари, тўқиш турлари, бўяш усуллари технологияси пайдо бўлгач тикувчиликка ривожланган ва оддийдан мураккабга айланган. Тикувчилар тамонидан жангчилар кийимлари, амалдорлар кийимлари, шаҳарлик задагон бойлари, турли мавқеда бўлган асилзодалар кийимлари, аёллар кийимлари, маросимлар кийимлари тикилиб, уларнинг янги урфга оидлари яратилиб келган. Музейларнинг экспозитциялари ва турли вақтинчалик кўргазмаларидан юқоридагидан такидланганидек ташқари рихтагарликка, совунгарликка, ёғочсозликка, гилам тўқишга, кигизчилик, пичоқчиликка, темирчиликка оид бўлган турли асрларга оид экспонатлар жой олган. Бугунги кунда музей экспозитциялари ва кўргазмаларида мисдан ишанган пухта ўрганилиб, каталогларга киритилган буюмлар намоиш этилмоқда. Улар замонавий усталар учун битмос – тугалмас илхом манбаи ва Марказий Осиё халқларининг қадимий ва бой маданиятини намоён этувчи бой меросимиздир.

Мустақилли қуёши ўз нурини сочиб эндиликда Озод Ватанзимизга учун алоҳида латофат бахш этмоқда. Эркин ижодий фаолият кўрсатиш, хур Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги учун яшаш ва курашиш завқини бермоқда. Янги Ўзбекистон давлати ўз сиёсатинининг бош тамоили сифатида маънавият ва маърифатни асос қилиб олди. Давлатимиз раҳбари халқимизни маърифат йўлига дават этиб, ҳар бир инсон қалби маърифат чироғида айла-нишини, юракларимизда зиё туйғуси акс садо беришни орзу қилмоқда.

Демак юқоридагиларга шуни қўшимча этиш мумкинки- Музей- бу Юнонча атама бўлиб, музалар бағишланган жой яъни- тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий –маърифий муассасадир. Музейларнинг ҳазинасида асосан моддий ва тасвирий нарсалар, шунингдек санъат асарларини жамланмаси мавжуддир.Шу билан бирга ёзма манбаалар, миллий қадимий хунармандчилик наъмуналари мужассамлашган бўлади. Музейлармавқейига кўра қуйдаги типларга бўлинган ва унда сақланаётган экспонатларнинг турларига қараб хазина бўлимларига ажратиб сақланади.Асрлар давомида жамланмаларнинг турларига қараб музейлар ҳам турларга бўлинган.Бундан ташқари музейлар фаолиятлари орасида бўлимлар ҳам пайдо бўлиб борди. Хомашё,буюмларга шакл бериш ва уларни пишириш, маданий меърос ва меъморий плиткалардаги керамиканинг маълум турлари,кулолчилик буюмларини сақлашдаги ахлоқ қоидалари, ашёларни тозалаш, мустахамлаш, тузсизлантириш, таркибий жихатдан таъмирлаш, зарарларни қоплаш, тарихий таъмирлаш, техник тадқиқ этиш, кулолчилик буюмларини сақлашнинг замонавий тенденцияларини экспонат турларини қайта таъмирлашда муҳим ўрин тутди. Мис,кўрғошин, олтин,қалай, кумуш,никел, темир, рух, алюминий каби қадимий ва тарихий металлларни сақлаш учун ҳам музей экспонат турлари билан алоҳида ишланади.

Музейлар турлари -Музейлар турларига қараб илмий асосланган концепция ва тарихий даврийлик асосида табиат, архиология, Ўрта аср тарихи ,Кўқон хонлиги,20-аср тарихи акс этган бўлимлардан иборат бўлади.Бўлимлар экспозитциялари вилоятларнинг иқтисодий, маданий –маърифий ҳаёти ва истиқболи ҳақида ҳикоя қилади. Жумладан қўлёзма ва хужжатлар коллекциялари адабиёт намоёндалари асарларидан, тасвирий санъат асарларидан, миллий хунармандчилик наъмуналаридан иборат бўлиб ташкил этилади.Музейларда шунингдек ёғоч,металл, сопол, мато,заргарлик, қурол-аслаха, нумизматика коллекцияларининг ўнлаб турларидан иборат.

1.Замонавий музейлар- тадқиқот ва таълим тарбиявий вазифаларни амалга оширади. Бу музейларнинг ўзига мос бўлган экспонатлари ва экспозитциялари бор.

2. Ўлкашунослик музейлари- ўлкани тадбиқ этувчи асори-атиқалардан ташкил топган музей туридир.Бунда маълум ўлканинг табиатини, турли соҳаларини ёритиб берувчи экспонатлар мужассамдир.

3.Тарих музейлари- бундай музейларнинг экспозитцияларидан миллий хунармандчиликларнинг барчасини кенг қамраб олган асори-атиқалардан ташкил топган муассасадир.

4. Қўриқхона музейлари табиий-тарихий, моддий ва маънавий ёдголикларни сақловчи илмий—тадқиқий ва маданий-маърифий муассаса.

Таркибига экспозитциядан ташқари қўриқхона ҳудудид жойлашган меъморий, тарихий ва бошқа турлича бўлган ёдгодликлар ҳам киради. Қўриқхона музейларининг тарихий-бадий, тарихий – меъморлик, тарихий-маданий, ҳарбий-тарихий каби турларидан иборат ҳисобланади. 11-асрда Қорахонийлар давлати Фарғонанинг сиёсий ҳисобланган пойтахти Ахсикентдан Ўзанга кўчирилганлиги тарихий манбаалардан маълум. Баъзи манбааларда эса Ахсикент Хитой, ҳиндистон, Ўрта денгиз бўйидаги кўплаб давлатлар билан савдо қилиб, карвонсаройларида қабул этиб келганлиги ёзилади. Айнан уша даврларда Эски Аҳси харобаларидан топилган моддий маданият ашёлари кўплиги ва ранг-баранглиги билан характерлидир ва улар наъмуналари музей хазиналаридан ўрин олган. Жумладан – сирланган турли сопол идиш турлари, уларнинг баъзиларида мавжуд қуфий ёзувларни кўрамиз. Айрим идишларга эса афсонавий ва йиртқич ҳайвонлар, турли қушлар тасвирлари туширилган экспонатлар бор.Ахсикентнинг хунармандлари ушбу даврда сопол идишларни безаш ва сирлаш борасида ўзига хос маҳорат мактабига эга бўлишган.Ахсикентликлар ишлаб чиқарган турли рангли идишлар, гўзал ва бадий жиҳатдан ғоятда юксак дид биланишланган қимматбаҳо зеб-зийнат

буюмлари, олтин, кумушдан таёрланилган узуклар. Билакузуклар, мунчоклар, тиллақошлар, нақшли буюмлар жахон бозорларида харидоргир эди. Ҳозирги замон жамиятида музейлар ижтимоий –маданий фаолятнинг асосий вазифалари-музей воситалари ёрдамида инсон шахсини такомуллаштириш. Шахсни ривожлантириш-бу аввало маданий воситаларнинг муттасил такомуллашти-риб боришда ёшларга назарий ва амалий жихатдан кўникмалар бериш, ижтимоий –табиий мухитга нисбатан масъулик ҳиссини уйғотиш долзарб вазифаларимиз қаторидан ҳисобланиб қолди. Чунки аجدодлари неча миллионлаб йиллар муқаддам яратган дастлабки асори-атиқаларининг дастлабкилари асосларини ўрганиш бу аجدодлар тарихини ўрганиш демакдир. Музейлар катта илмий тадқиқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш билан бирга тўпламларни бутлайди, уларни илмий ўрганеди, илмий хужжатларни таёрлайди, музей ашёларини сақлаш ва таъмирлаш тартибини яратиб беради. Яна монография, каталог, йўлқўрсаткичлар нашрларини яратади. Замонавий музейшунослик ишлаб чиққан илмий усул ва методологиясосида экспозитцияларда илмий тадқиқотлар олиб боровчи маскан ҳисобланади. Сиёсий ,илмий,маданий,иқтисодий эҳтиёжлардан келиб чиқиб зиёатчиларга маълумотларни бериб боради. Ўзбекистонда музейлар 19-асрнинг 2–ярмидан ташкил этила бошланганди. 20-аср бошида фақат 3 тагина музей бор эди. 1876-йили ташкил этилган Тошкент шаҳрида жойлашган Тошкент ўлкашуносликмузейи, Ўзбекистон тарихи музейи ва бошқаларни олиш мумкин. 1986-йили ташкил этилган Самарқанд халқ музейи. Ҳозир Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи номи билан аталади. Учинчиси бу Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи бор эди ҳолос. 20 асрга келиб турли соҳалардаги музейлар ташкил этила бошлангани боис музейлар сони кўпайиб борди. Музейлар ва маданият ёдголиклари давлат тасарруфида бўлиб, муҳофаза қилиниб борилади. Бу масканда илмий экспедициялар танкил этилади. Музей учун коллекцияларни тўплаш доимий давом этиб боради. Ўзбекистон музейларининг асосий тасарруфи маданият вазирлигига қарайди. Музейларимиз таълим-тарбия ва илмий вазифаларни бажаради.

Музейларни халқаро майдонига чиқиши йиллар давомида ривожланиб бормоқда. Жахон музейлари халқаро ташкилотларга бирлашган. ЮНЕСКО таркибида Музейлар халқаро кенгаши ИКОМ мавжуд. Қадимги тарихга, қадриятлар ва маданиятга эга халқимиз ҳаёт давомида йигирманчи асрнинг сўнги ўн йилликларида ўз миллий қадриятларини тиклаш борасида катта тўсиқларни енгиб ўтди.

Жахон ҳамжамиятида Мустақил Ўзбекистон Республикаси давлати сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий раванқ топиб борди. Ўзбекистоннинг халқ хунармандчилиги ва тарихий манбааларини дунёга танитишда маданий туризмнинг ҳам ўзига яраша тасири бор. Ушбу жараён тарихий-маданий объектларни намоиш этишда ғоясига асосланган бўлиб, музейларда мавжуд илмий, информацион ва яна турлича, бошқа манбаалар орқали амалга оширилади. Туризм йўналишларини белгилашда музей экспозитцияси ва фондида мавжуд ашёлар, маълумотлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Хорижий сайёҳлар музейлардан олган маълумотларга таянган ҳолда ўз саёҳатларини уюштириб, юртимиз ҳақидаги тасаввурларини боитиб кетишади. Шу боис ҳам юртимизда ўтаётган турли сайёҳлик ярмаркаларида музейларнинг фаол қатнашиб, ҳамкор фирмалар билан шартномалар имзолаш йўлга қўйилган. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ тўғри тузилган режалар асосида музейлар фаолиятлари такомуллашиб бормоқда. Миллий истиқлол йилларида элимизнинг ўз юрти, тили, маданияти ва қадриятлари тарихини янада чуқурроқ билишга, ўзлигини англай олишга қизиқиши тобора ортиб бораётгани маълум. Ҳар бир ватанини севувчи инсон борки, аجدодлари кимлигини, насл насабини, ўзини тўғилиб ўсган ва вояга етган маҳалла, қишлоқ, шаҳар, қўйинки Ватан тарихини билишлари шартдир. Тарихни яхши билиш ва ундан фахирланиш туйғуси инсоният тарихини ўзи чиндан ўрганиш, яратиш ва келажакка қолдириш аجدодлардан меъросдир. Асирлар ўтиши билан кўп нарса ўзгаради лекин қадимий меъросимиз сақланиб қолади. Бунда музейларнинг ўрни бекиёсдир. Тарихни халқ ва беҳад буюк шахслар яратади. Уни қўлёзма китобларнинг саҳифаларига мухиланиб боради. Маълумки бошқа тизимлар сингари музейлар фаолиятида ҳам давлат

миқийсидаги фармон-қонунлар мавжуд. Хусусан унинг 32-моддасида Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳамда музейлар ҳазиналарида сақланаётган экспонатларни сақлашнинг чегаралаб қўйилган қонун-қоидалари бор. Музейларда турган ашёлари ва музей коллекцияларини тижорат мақсадида фойдаланишнинг мумкин бўлган ёки тақиқланган йўриқномалари бор. Бинобарин шуни ҳам такидлаш зарурки, музей ашёлари ва музей коллекциялари, музейларнинг бинолари, музейлар ҳудудида жойлашган объектлар тасвирларидан фойдаланган ҳолда тасвирий, босма, ёдгорлик ва бошқа адабли маҳсулотларни ҳамда ҳалқ истимоли товарларини ишлаб чиқариш, музейларнинг номлари ва рамзий номларидан фойдаланиш қонун ҳужжатларига мувофиқ музейлар маъмуриятининг рұхсатлари билангина амалга ошириш белгилаб қўйилган. Мустақиллигимиз шарофати билан бу давр ичида музей соҳасига оид қабул этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар музейлар фаолиятини янада такомۇллаштириш, шунингдек бугунги кун талабларидан келиб чиқилиб қўшимча ҳолда ўзгаришлар киритиш, музейнинг барча фаолиятларини янада раванк топишига кўмак берадиган фармо-қарорлар киритиб бориш бу соҳа учун муҳим дастқдир. Музей соҳаси фидоийлари доимий равишда маҳаллий аҳоли кўлида сақланиб қолган турли қадимий буюмларни тўплаш, янги экспонат турларини коллекцияларини йиғиш, оммага тури тадбир-кўргазмалар орқали тарихимиз манбааларини етказиб бериш ишлари музей фаолияти учун муҳим йўналишлардандир. Бугунги кунда ёшлар қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ўзликни англаш туйғуларини, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини сингдириш дол-зарбдир. Бундай вазифаларни бажариш тақидланганидек музейлар воситаларидан фойдаланиш зарурати катта ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбек миллий Энциклопедияси. 2006-йил.
2. “Мозийдан садо” – илмий-амалий, маънавий- маърифий журнали.
3. “Тамаддун силсиласи” – илмий журнал- 2022-2023 йил.



4. “Музей халқ тарихининг кўзгуси” – Музейларни қўллаб-қуватлаш республика “
Ўзбекмузей” жамланмаси.2011й